



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 8 сентябрь, № 177 (5597)

Шанба

## МАНФААТЛАР ВА ТАҚДИРЛАР МУШТАРАКЛИГИ — ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР АСОСИ БЎЛГАН ҚАДРИЯТЛАРДИР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 6-7 сентябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Қозоғистон Президентининг "Оқўрда" саройида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Икки давлат раҳбарлари шохсупага кўтариладилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янграйди. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтадилар.

Икки давлат раҳбарлари тор доирадаги кенгайтирилган таркибдаги музокараларда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, Марказий Осиё ва унинг атрофидаги вазият, шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммоларни атрофича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг кўриб чиқилган икки ва кўп томонлама хусусиятга эга деярли барча масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқин экани таъкидланди.

Бугун самарали ва узоқ муддатли ҳамкорлик учун барча зарур шароитлар ва асос яратилган — бу қатъий сиёсий ирода, чуқур ҳамжиҳатлик, мустақкам шартномавий-ҳуқуқий база ва конструктив ҳамкорлик борасида тўпланган катта тажрибадир.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг вақт синовидан ўтган ишончли кўшнисидир. Ўзбек ва қозоқ халқларини қадимий қардошлиқ ришталари, муштарак тарих, тақдир, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради.

Ўзбекистон раҳбарлари таъкидлаганидек, халқларимизнинг умумий тарихий меросини, шунингдек, уларнинг бугунги ва келажагини ҳам бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз ҳар доим ўзаро яқин бўлганмиз ва ҳаммиз бир-биримизга сунямадик.

Остонадаги олий даражадаги учрашув бугунги тез ўзга-

рувчан ва мураккаб шароитда нафақат Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг узоқ муддатли истиқболлари, балки бутун минтақамиз барқарорлиги ва унинг изчил ривожланиши, кўп жиҳатдан, мазкур саммит натижаларига боғлиқ эканлигини яна бир бор намоён этди.

Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар мамлакатларимизнинг узоқ муддатли стратегик манфаатлари ҳамда миллий устуворликлари умумийлиги ва муштараклигига, шунингдек, давлатларимиз олдига турган кенг миқёсдаги мақсад ва вазифаларни ҳамкорликда ҳал қилишга интилиш асосига қурилгани ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига ишонч билдирдилар.

Марказий Осиё минтақаси ва унинг ташқарисида тез суръат билан ўзгараётган вазият янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасида амалий чора-тадбирларни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон Афғонистондаги вазият тезроқ изга туширишдан манфаатдор эканини таъкидладилар ҳамда давлатларимизнинг ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклашга қўшаётган ҳиссасини ижобий баҳоладилар. Томонларнинг Афғонистон муаммосини бар-тарafd этиш ва мазкур мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашга қаратилган ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Мамлакатларимиз халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида алоқаларни фаоллаштириш ва ҳамкорликдаги сазъ-ҳаракатларни мувофиқлаштириш тарафдоридир. Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш минтақавий ва халқаро даражада барқарорликни мустақкамлашга хизмат қилади. Томонлар БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига доирасида ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги яхши кўшничлик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштириш, ШХТнинг янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши самарали курашиш борасидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорликни янада мустақкамлашга келишиб олинди.

Икки давлат раҳбарлари Марказий Осиё сув-энергетика ресурсларини оқилонга фойдаланиш масалаларини бўйича ҳамкорликдаги ва принципиал позицияга алоҳида эътибор қаратдилар, ушбу соҳадаги барча масалаларни, шу жумладан, трансшегаравий дарёларда янги гидротехник иншоотлар қуриш масаласини халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган нормалари ва минтақадаги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон раҳбари савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокамаси чоғида Қозоғистон ушбу соҳада мамлакатимизнинг муҳим шерикларидан бири эканини, давлатларимиз ўртасида ўзаро савдо изчил ва барқарор ўсиб бораётганини таъкидлади. 2011 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 47 фоиз ўсди ва 2,7 миллиард АҚШ долларидан ошди. 2012 йилнинг биринчи

ярмида ушбу кўрсаткич 18 фоиз ўсиб, 1,4 миллиард долларни ташкил қилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон улкан имконият ва захираларга эга экани, улар ҳисобидан товарлар турларини кўпайтириш ҳамда икки давлат ўртасида товар айирбошлаш ўламини кенгайтириш мумкинлиги таъкидланди.

Транспорт, транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Икки мамлакатнинг транспорт коммуникациялари аниқ келишилган тартибда ишлайдиган ва экспорт-импорт операциялари ҳамда товарлар транзитини амалга ошириш учун барча қулай шарт-шароитлар яратадиган бир-бирига боғлиқ тизимга айланиши зарурлиги қайд этилди. Бу борада юкларни, жумладан, темир йўл транспорти орқали транзит қилиш ва етказиб беришни ташкил этишда тариф ва нотариф преференциялар бериш ҳамкорлигининг асосий жиҳатлари ҳисобланади.

Президентлар маънавий аянлик ва кўп асрлик аънавий муносабатларга асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ҳам кенгайтириш масалаларини муҳокама этдилар.

Қозоғистонда машҳур ўзбек рассомларининг кўргазмалари ташкил этилмоқда, халқ усталари хунармандлар ярмаркаларида қатнашмоқда, мусика ҳамда театр жамоаларининг гастроллари ўтказилмоқда. Ўзбекистон кинематографлари ўз фильмлари билан Қозоғистонда кинофестивалларда иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда қозоқ театрлари ва миллий-фольклор ансамбллари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурда Қозоқ адабиёти кенгаши фаолият кўрсатмоқда. «Нурли жол» газетаси чоп этилмоқда, телерадиоканаллар орқа-

ли махсус кўрсатув ва эшитиришлар берилмоқда. Республика қозоқ маданияти маркази кўмағида қозоқ оқинлари, ёзувчилари ва журналистларининг унлаб китоблари нашр этилди. Қорақалпоқ давлат университети ва Тошкент давлат педагогика университетида қозоқ тили ва адабиёти кафедралари ташкил этилган, қатор педагогика институтларида бир неча фанларни қозоқ тилида ўқитиш йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, Қозоғистоннинг Остона, Олмаота шаҳарлари ва бошқа тўққизта ҳудудда ўзбек маданияти марказлари очилган. Улар томонидан ҳар йили "Ўзбек халқининг тили, маданияти ва маросимлари кун" ўтказилмоқда. Ўзбек тилидаги даврий нашрлар ва махсус телекўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришлар Қозоғистондаги ўзбекларнинг миллий аънана ва урф-одатларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Президентлар ушбу ташриф ўзбек ва қозоқ халқларининг кўп асрлик тарихий, маданий ва маънавий яқинлиги, мамлакатларимиз манфаатларининг муштараклиги ҳамда тақдирининг узвий боғлиқлигини яна бир қарра тасдиқлаганини, ушбу қадриятлар бундан буён ҳам икки давлатнинг ўзаро муносабатлари ҳамда ҳамкорлигининг асосини ташкил қилишни таъкидладилар.

Музокаралар якуни бўйича Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев Қўшма баёнот имзоладилар.

Шунингдек, шахсларни реадмиссия қилиш тўғрисида ҳужжатларро битим ва бошқа қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мазкур ташриф ва имзоланган муҳим ҳужжатлар икки томонлама муносабатларда кенг имкониятлар очилиши, ҳамкорликнинг ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳиятини амалга оширишга кўмаклашишини, икки қардош халқнинг туб манфаатларига мос келишини таъкидладилар.

Президент Ислон Каримов Президент Нурсултон Назарбоевга самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ҳамда Қозоғистон раҳбарини ўзи учун қулай вақтда Ўзбекистонга ташриф буюришга таклиф қилди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Остона шаҳридаги Ватан ҳимоячилари монументи пойига гулчамбар кўйди, Ватан мустақиллиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ушбу ташриф, унинг давомида бўлиб ўтган амалий фикр алмашиш ва самарали музокаралар, имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз, халқларимиз манфаати йўлида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустақкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

(ЎЗА).

Сарвар ҲИМОНОВ олган сурат.

Болгариянинг мамлакатимиздаги элчихонасида 7 сентябрь кунини Ўзбекистон ва Болгария ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

## ЭЛЧИХОНАДА БРИФИНГ

Болгария — Ўзбекистон муносабатлари дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида изчил ривожланаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Мамлакатларимизнинг

ўзаро муносабатлари ҳуқуқматлараро ва идоралараро даражада имзоланган кўлаб ҳужжатларга асосланади. Улар орасида икки томонлама солиқдан қочиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, сайёҳлик соҳасида ҳамкорликка доир битимлар бор.

(Давоми 2-бетда).

## Ишбилармонлик муҳити

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш, бюрократик тўсиқларни бартараф этишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

## Ҳисоботларнинг замонавий тизими

ҳар томонлама қулай ва иқтисодий жиҳатдан тежамлидир

Президентимиз ташаббуси билан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий эркинлигини таъминлаш мақсадида соҳага янада кенгроқ имтиёзлар берилиб, янгиликлар жорий қилинаётгани ўзининг юксак самараларини кўрсатапти. Буни давлат органларига тақдим этиладиган статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг мавжуд тизими тубдан ислоҳ қилиниб, лицензия талаблари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари қисқартирилётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 16 июлда имзоланган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги Фармонга мувофиқ, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун бир қатор енгилликлар жорий этилдики, бу юртимиз ишбилармонларини янги лойиҳаларга қўл уришга руҳлантирмоқда.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг 3-чорагидан бошлаб, йирик корхоналар учун икита, яъни асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома, кичик корхоналар учун эса дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома шакллари бекор қилинди. Шунингдек, айни вақтдан эътиборан, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига тақдим этиладиган 50 турдаги ҳисоботлар ҳам топширилмайди.

(Давоми 2-бетда).

## Юксак ишончга муносиб авлод

Интилувчан ёшлар — юртимиз ишончи, эртаимиз таянчидир. Шу боис бугун мамлакатимизда навқирон ўғил-қизларнинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун беқийс имкониятлар яратилаётир.

## Таълим

Энг муҳими, шундай юксак гамҳўрликлардан баҳраманд бўлиб улғаяётган ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмастикка интилиб, етук малакали мутахассис сифатида шаклланишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Бугунги кунда Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ҳам ана шундай қатъиятли, шижоатли, келажакда малакали шифокор бўламан, деган аҳд билан ўқиб-изланаётган талабалар кўпчиликини ташкил этади. Маълумки, ушбу ўқув даргоҳи педиатрия иши таълим йўналиши бўйича таянч муассасаси сифатида нафақат юртимиз, балки Марказий Осиёда ҳам нуфузли олий таълим масканларидан бири ҳисобланади. Институтида Педиатрия, Тиббий педагогика ва Даволаш иши факультетлари ҳамда Олий ҳамширалик

иши бўлими мавжуд бўлиб, мазкур таълим йўналишларига бу йил ҳам юзлаб талабалар қабул қилинди. Шу муносабат билан кенча академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида мазкур ўқув даргоҳи талабалари сафига қўшилган ёшларнинг "Талабаликка бағишлов" деб номланган маънавий-маърифий тадбири ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси профессори Ҳолидjon Комилов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда эл саломатлигини муҳофиза қилиш йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислохотлар самараси хусусида алоҳида тўхталдилар.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошлангич 1-бета).

Янги шу пайтгача давлат солиқ хизмати органлари — 25 та, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига — 10 та, Иқтисодий вазирлигига — 4 та, Давлат божхона қўмитасига — 3 та, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш қўмитаси, Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказига 2 тадан, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига биттадан тақдим этиб келинган ҳисоботлар шулар жумласидан. Соҳадаги муҳим янгилıklarлардан яна бири, жорий йилнинг 1 августидан бошлаб, жами 80 турдаги рўқсат берувчи тартиб-таомил беқор қилингандир.

Таъкидлаш кераки, бу борадаги ислохотлар изчил давом эттирилиб, келгуси йилнинг биринчи январидан статистик ҳисоботлар яна 65 тага камайтирилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, 2013 йилдан эътиборан, 12 турдаги солиқ ҳамда 11 турдаги статистик ҳисоботлар, 2012 йилнинг 3-чорагидан бошлаб 12 турдаги статистик ва 20 турдаги бошқа ҳисоботларнинг тақдим этиш даврийлиги ҳам қисқартirilganлиги диққатга сазовордир.

Гап шундаки, барча юридик шахслар томонидан ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби, ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб маълумотномаси, қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби, акциз солиғи ҳисоб-китоби, ер қазридан фойдаланган-

лик учун солиқ ҳисоб-китоби, ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китоби, Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция

ижтимоий инфратузилмани ривожландириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов билан фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, бюджетдан ташқари Пенсия, йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассас-

электрон ахборот алмашинувини жорий этиш мақсадида қўмитанинг www.soliq.uz расмий сайти орқали 16 та давлат интерактив, яъни қоғозсиз, бевосита масофадан турган ҳолда хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Ҳозирги пайтда яна 6 та интерактив хизмат амалиётга жорий этиш учун синовдан ўтказилмоқда.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар, айтилик, биргина "Электрон солиқ ҳисоботларини қабул қилиш" интерактив хизматидан фойдаланиб, ўзларининг солиқ ва молиявий ҳисоботларини давлат солиқ хизмати органлари электрон тартибда юбориш имкониятига эгалар. Шу ўринда айтиш жоизки, электрон ҳисоботлар қоғозда тақдим этилган ҳисоботлар билан бирдек юридик қучга эга. Шунинг учун молиявий ва солиқ ҳисоботлари электрон кўринишда топширилганда, уни қоғозда қайта тақдим этишга ҳождат йўқ. Буларнинг барчаси солиқ тўловчининг ҳисобот тайёрлашга ва топширишга кетадиган вақтини қисқартиради ҳамда давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан бевосита мулоқот қилишига зарурият қолдирмайди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларга фаолиятини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар туғдириб, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Зеро, ислохотлардан қўланган мақсад ҳам ишбилармонларга ана шундай қулай тадбиркорлик муҳитини яратишдир.

**Аскар АЛИЕВ, Давлат солиқ қўмитаси бош бошқармаси бошлиғи.**

## Кичик бизнес — тараққиёт мезони

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодийнинг энг жозибали соҳаларидан бири бўлиб, бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига тез мослашади, хусусан, бир пайтнинг ўзида қўллаб янги иш ўринлари яратолади. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорлик ҳаракати учун янада қулай шарт-шароит яратилиб, қўшимча имтиёзлар берилмоқда. Натияжада ишбилармонлар сафи кун сайин кенгайиб бораётир. 2012 йилнинг биринчи ярмида 13 мингта янги кичик бизнес субъекти ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.

Президентимизнинг яқинда мазкур

соҳани сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган иккита Фармони эълон қилинди. Булар "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларини, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўқсат бериш тартиб-таомилларини тўдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тўдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлардир.

Тадбиркорларнинг таъкидлашича, бу муҳим ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалар ижроси кичик бизнес ривожига янада кучли туртки беради.

## Ислохотлар — тадбиркорлар нигоҳида

### Адлбек ТАСИМБЕТОВ, Нукус шаҳридаги "ХОРЖ қурилиш" қурилиш корхонаси раҳбари:

— Бугун тадбиркорлик умуммиллий ҳаракатга айлана бораётгани, десаам, муболага бўлмайди. Чунки юртимизда кичик корхона очиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишни йўлга қўётган тадбиркорларимиз сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Бунинг сабаби эса мамлакатимизда ишбилармонлик ҳаракатига давлатимиз томонидан барча қулайликлар яратиб берилаётганида, деб биламан. Оилавий бизнесини бошламоқчи бўлганларга ҳам имтиёзлар талайгина. Энди гап, ундан оқилона фойдаланиб иш юритишда ҳолоқ.

Бизнинг Нукус шаҳри-

даги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "ХОРЖ қурилиш" кичик корхонасининг ташкил этилишига ҳам ана шу эътибор ва рағбат туртки бўлди. Асосан, ёшлар меҳнат қилаётган жамоамиз томонидан айни пайтда ойига ўртача 15-20 миллион сўмлик қурилиш-боп материаллар ишлаб чиқарилапти. Улар қурилиш ташкилотларини ва аҳолига пешма-пеш етказиб беришмоқда. Тайёрланаётган маҳсулотларимизга сифати юқорилиги боис талаб кун сайин ошиб бораёпти. Шундан келиб чиқиб, фаолиятимизни кенгайтириш ҳаракатини бошладик. Бу жараёнда Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Ишбилармонлик муҳитини янада тўдан ях-

шилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا мувофиқ, жорий қилинаётган имтиёзлар қўл келиши шубҳасиз. Негаки, мазкур ҳужжатда тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда турли рўқсат берувчи тизимлардаги жараёнларнинг соддалаштирилиши ва тартибга келтирилиши белгилаб берилган. Замонавий электрон хизматлар эса фаолиятимизда қулайлик яратиш билан бирга, вақтимизни тежаш имконини беради. Бу каби афзалликлар тадбиркорлар учун катта мадад бўлиб, бунга фидокорона меҳнатимиз билан жавоб бериб, юртимиз равақига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз.

### Жарқини МАМАТАЛИЕВА, Узун туманидаги "Мезон зиё" савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари:

— Мустақиллик ҳалқимиз ҳаётига янги мазмун бағишлаб, ишга бўлган муносиб фарзанд бўлиш, устозларим ишончини оқлаш, улар берган сабоқ ва ўғитларни дилимга жо қилиб, институтимиз нуфузини ошириш ва етук биллими мутахассис сифатида маҳоратимни кўрсатишга ҳаракат қиламан. Тадбирда талабаларнинг тантанали қасамёди ўқиб эшиттирилди. Шундан сўнг ёшлар мамлакатимиз Президентини ташаббуси билан бунёд этилган академик В. Воҳидов номидида Республика ихтисослаштирилган жаррохлик марказининг Кардио-жаррохлик мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Мазкур муҳташам мажмуанинг барча қаватлари, жумладан, 200 беморни тиббий қўриқдан ўтказишга мўлжалланган поликлиника, 3 ёшгача бўлган болаларнинг туғма юрак нуқсонларини даволаш бўлими, интервенцион кардиология ва юрак уриши ритми бузилиши бўлими, ангиографик жаррохлик хонаси, кардио-жаррохлик ва реанимация бўлимлари шифокор бўлиш мақсад қилган интилувчан ёшларда катта таассурот қолдирди.

**Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» муҳбири, Хасан ПАЙДОВ олган сурат.**

## Элчиҳонада брифинг

(Давоми. Бошлангич 1-бета).

Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. "Ўзбекитуризм" миллий компанияси, Ўзбекистондаги хусусий сайёҳлик компаниялари Болгариядаги шеркларини билан биргаликда сайёҳларни жалб этиш, даволашни ва дам олиш бўйича турлар ташкил қилиш билан шуғулланмоқда. Тошкентда ўтадиган сайёҳлик ярмаркаларида Болгария фирма ва компаниялари фаол катнашиб келаётир.

Ўзбекистон Болгария ун Марказий Осмё дарвозаси ҳисобланади, — дейди Болгариянинг мамлакатимиздаги Муваққат ишлари вакили В. Нейков. — Жорий йилда Ўзбекистон мустақиллигига 21 йил тўлди. Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ислохотларнинг мантқий давоми сифатида қабул қилдик.

Фармонга биноан, эндиликда ҳар чорақда фақат битта соддалаштирилган статистик ҳисоботни тақдим этамиз. Молия ҳисоботини эса йилда бир марта топширсак қифоя. Бу вақтни тежаш имконини беради. Буларнинг барчаси мамлакатимизда кичик бизнеснинг янада ривожланиб, иқтисодиётимиз тараққийтини жадаллаштирувчи қуч сифатида шаклланишига хизмат қилиши муқаррар.

тиқлоб берган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган халқнинг барча соҳаларда улкан ютуқларини қўлга киритмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2011 йилда 2010 йилдагига нисбатан 22,4 фоиз ошди. Болгария Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

**Мадина УМАРОВА, ЎЗА муҳбири.**

## Ҳисоботларнинг замонавий тизими

ҳар томонлама қулай ва иқтисодий жиҳатдан тежамлидир

қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳисоб-китоби, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ҳисоб-китоби каби, жами 8 та солиқ ҳисоботи ҳар чорақда бир маротаба тақдим этиладиган бўлди. Шу билан бирга, жисмоний шахсларга ҳисобланган даромадлар таркиби тўғрисида маълумот, жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари таркиби тўғрисида маълумот, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китоби каби яна 4 та солиқ ҳисоботи эса йилда бир маротаба топширилса қифоя.

Фармонда 2013 йилнинг 1 январидан солиқ органларига тақдим этилаётган 11 турдаги солиқ ҳисоботи ва бошқа маълумотлар бирлаштирилиб, 5 тага туширилиши белгилаб берилган. Яъни фойда солиғи билан ободонлаштириш ва

саларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисобот шакллари бирлаштирилади.

Тармоқда рўй бераётган ўзгаришларга уйғун тарзда ҳисоботларни топшириш тизими ҳам тобора такомиллаштирилаётгани қувонарли ҳолдир. Яъни тадбиркорлик субъектлари томонидан статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботлар электрон шаклда тақдим этилаёпти. Бу янги усул ҳар томонлама қулай, иқтисодий жиҳатдан тежамлидир. Шу каби афзалликлар боис 2014 йилнинг охиригача барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботлар топширишининг электрон тизимига тўлиқ ўтказилиши мўлжалланаёпти.

Тадбиркорлик субъектлари учун давлатимиз томонидан яратилаётган энгиликларга мос равишда Давлат солиқ қўмитаси тизимини ҳам уларга қулайликлар яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, сифатли

## Юксак ишончга муносиб авлод

(Давоми. Бошлангич 1-бета).

Таъкидланганидек, истиклол йилларида юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида асрларга татигулик эзгу ишлар амалга оширилди. Тиббий хизматнинг жаҳон андозалари даражасидан ўзига хос миллий модели яратилиб, жойларда энг замонавий даволаш-таъхис

ривожига йўналтирилган бу каби савий-ҳаракатларнинг изчиллигини таъминлашда, энг аввало, бугун ўқиб билим олаётган ёшларнинг пухта билим ва малакага эга бўлиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, Тошкент педиатрия тиббиёт институтидан таълим жараёнида ҳам илгор педагогик

тўғарақлари, шунингдек, талабалар илмий жамияти фаолият кўрсатмоқда. — Биз, чинакама маънода бахтли ёшларимиз, — дейди институтнинг Педиатрия иши йўналиши бўйича 1-босқич талабаси Мадина Юсупова. — Негаки, юртимизда бизнинг замонавий асосда пухта билим олишимиз, буюк орзу-

корларни камолга етказган ўқув маскани — Тошкент педиатрия тиббиёт институтига ўқишга қабул қилинди. Келгусида юртимга муносиб фарзанд бўлиш, устозларим ишончини оқлаш, улар берган сабоқ ва ўғитларни дилимга жо қилиб, институтимиз нуфузини ошириш ва етук биллими мутахассис сифатида маҳоратимни кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Таъкидлаш кераки, бу борадаги ислохотлар изчил давом эттирилиб, келгуси йилнинг биринчи январидан статистик ҳисоботлар яна 65 тага камайтирилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, 2013 йилдан эътиборан, 12 турдаги солиқ ҳамда 11 турдаги статистик ҳисоботлар, 2012 йилнинг 3-чорагидан бошлаб 12 турдаги статистик ва 20 турдаги бошқа ҳисоботларнинг тақдим этиш даврийлиги ҳам қисқартirilganлиги диққатга сазовордир.



усқуналари билан жиҳозланган шифо масканлари бунёд этилганлиги ва бугун хориждаги етакчи клиникаларда қўланаётган ноёб жаррохлик амалиётлари юртимиздаги шифо масканларида муваффақиятли амалга оширилаётгани бунинг амалий ифодасидир. Табиийки, юртимиз соғлиқни сақлаш тизими

технологиялар амалиётга татбиқ қилинаётир. Институт аудиториялари замонавий мультимедиа воситалари, барча кафедраларнинг ўқув хоналари эса энг илгор компьютер усқуналари билан тўлиқ жиҳозланган. Қолаверса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган турли ижодий ва спорт

мақсадларга етишишимиз учун нимаки зарур бўлса, шуларнинг бари муҳайё қилинган. Ўзим ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, билим олишни, келгусида болалар шифокори бўлишни ниёт қилганман. Шу кунга қадар мақсадим йўлида тинмай изландим ва бугун нечанича истеъодли шифо-

## Осойишталигимизнинг муҳим омили

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли тинчлиги, ҳавфсизлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар рўёбга чиқарилмоқда. Бундай ўзгаришлар ички ишлар органлари тизимида ҳам изчил олиб борилмоқда. Чунки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида милиция таянч пунктлари ташкил этилиб, улар фаолияти жадал ривожлантирилаётир. Бу эса маҳалларда тинчлик ва осойишталигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилаёпти.

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Ҳозирги кунда республика бўйича 3558 та милиция таянч пункти бўлиб, уларнинг барчасида зарур қулайлик ва шарт-шароитлар яратилган, яъни ушбу масканлар алоқа воситалари, турли жиҳозлар, компьютер ва автотомашиналар билан таъминланган. Профилактика инспекторлари ўз зиммасига юқлатилган вазифаларни сидқидилдан адо этиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкларини ҳимоя қилиш, ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда намуна кўрсатишаётир.

Бугун юртимиздаги 8176 та "Маҳалла посбони" жамоат тизимида фаолият кўрсатаётган маҳалла посбонларида кўмаклашиш ҳам профилактика инспекторининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, уларнинг хизмат жадвалини тузиш ва режадаги тадбирлар бажарилишини ташкил этишда инспекторларимиз бош-қош бўлмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, дин ишлари бўйича қўмита вакиллари, олий,

ўрта махсус ўқув юртлиари ва мактаблар маъмурияти билан мунтазам равишда фикр алмашиш йўлга қўйилгани ҳудудларда воёга етмаганлар ҳуқуқбузарликларни, умуман олганда, жиноятчиликнинг сезиларли даражада камайишига эришилаёпти. Жорий йилнинг ўтган 7 ойида юртимиздаги 3656 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят қайд этилмаганлиги бунинг далилидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги "Яраштириш комиссияси" фаолияти ҳам профилактика инспекторларимиз алоҳида ўринга

## ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бугунги кунда ўзаро муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар каби қўллаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзаро алоқалар икки мамлакат ўртасида имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартномага мос равишда ривожланмоқда.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик тамойиллари асосида жадал тараққий этаётир, — деди Ш. Шириев. — Ҳамкорлигимиз, айниқса, сўнгги йилларда юксак суръатларда ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида амалга оширилаётган олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этаётгани ҳамкорлигимизни изчил раванқ топтиради муҳим омили бўлмоқда. Яқинда Тошкентда ўтган Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон қўшма комиссиясининг мажлисида қайд этилганидек, транспорт коммуникациялари, транзит, қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда маданий-гуманитар соҳалар ҳамкорлигимизнинг истиқболли йўналишларидандир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамлашишига ишонаман.

**Ирода УМАРОВА, ЎЗА муҳбири.**

Шарҳ

Европада давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз дунё автосаноати ривожига ҳам сезиларли салбий таъсир кўрсатмоқда.

ижтимоий муаммолар кўлами янада кенгаймоқда. Айтиб ўтиш жоизки, халқаро автобозордаги ҳозирги беқарор вазиятдан энг кўп азият чекаётганлар ҳам, асосан, еврохудуд таркибидagi ишлаб чиқарувчилардир.

Жаҳон автосаноати:

Талаб ва таклиф

Бу ҳар доим ҳам мутаносибми?

Дарҳақиқат, иқтисодий кўрсаткичлар аҳвол тобора кескин тус олиб бораётганидан далолат беради.

таъниллиги билан боғлиқдир. Аммо глобал бўҳрон мазкур ҳудудни ҳали-ҳануз тарқ этгани йўқ.

Чунки иқлим билан боғлиқ муаммолар ўткирлашиб боргани сари экологик жиҳатдан безарар машиналарга бўлган эҳтиёж ҳам табиий равишда ошиб боради.

надиган автомобилларга бўлган қизиқишнинг ортишига ҳизмат қилади. "Кўҳна қитъа"да автосаноати барқарор ривожланиётган давлатлар ҳам бор.



ни ҳукумат даражасида қўллаб-қувватлашга киришишда ташаббускорликни қўлга олди.

гидагиларга нархлар бўйича 5 мингдан 7 миң еврогача чегирма жорий этилади.

Узбекистоннинг саноат салоҳиятини ошириш мақсадида 2009 йил август ойида ташкил этилган "JV MAN Auto-Uzbekistan" кўшма корхонаси "Узавтосаноат" акциядорлик компанияси ва дунёга машҳур "MAN Truck & Bus AG" компанияси ҳамкорлиги маъмулидир.

Республикамизда глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида мана шундай ижобий ютуқларнинг қўлга киритилаётгани ҳар биримизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди, албатта.

Шавкат ОРТИҚОВ.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ танлов савдосига ТИФ Миллий банкининг қуйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:

Table with 5 columns: T/p, Танловга қўйилган объект, Корхона жойлашган манзил, Сотувга қўйилган улуш (%), Закалат миқдори (%), Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларлари), Сўм, АҚШ доллари.

Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган бюрторманомаларни «Respublika mulk markazi» ЁАЖга тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар:

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 8 октябрь Тошкент вақти билан соат 15.00 да «Respublika mulk markazi» ЁАЖ мажлислар залида (4-қават) амалга оширилади.

Савдода энг мақбул таклиф киритган талабгор танлов фолиби, деб топилди.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: танлов фолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бунча пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкининг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Хужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи ва бошқа ҳарajatлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдолари ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: 100175, Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Тел: (8-371) 228-79-52.

WWW.RMM.UZ

Реклама ва эълонлар

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ Самарқанд вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такоран қўйилмоқда:

1. «СУ-855» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган, қурилиш майдони 843,0 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси қўйилмоқда.

2. «12-шина таъмирлаш заводи» МЧЖга қарашли, Самарқанд шаҳри, Бедил кўчасида жойлашган бино ва ишоотлар ҳамда барча мол-мулклар мулкый мажмуа сифатида қўйилмоқда.

3. «МАДРИД ИНТЕР ПЛУС» МЧЖга тегишли, Самарқанд тумани, Мотрит кўрғонидa жойлашган гишт ишлаб чиқариш заводи бино-ишоотлари ҳамда барча мол-мулклар мулкый мажмуа сифатида қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 24 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 21 сентябрь куни соат 18.00.

II. Шунингдек, аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК 1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такоран қўйилмоқда:

1. Самарқанд шаҳар «Боғишамол Фароч» боғдорчилик жамияти худудидa жойлашган икки қаватли дала ҳовли биноси.

2. Самарқанд шаҳар «Боғишамол Фароч» боғдорчилик

жамияти худудидa жойлашган икки қаватли дала ҳовли биноси.

Бошланғич баҳоси — 34 839 864 сўм.

III. Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2012 йил 1 июндаги 1-2734/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 29-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1175,77 кв.м.дан иборат 7 та хона, қурилиш ости майдони 593,17 кв.м., фойдали майдони 524,14 кв.м.дан иборат бўлган ресторан биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 760 103 625 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 9 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушиқ вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 5 октябрь куни соат 18.00. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотечка-банк» «Кўрсар» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри, Бустонлиқ кўчаси, 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ Сирдарё вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Мирзобод тумани СИБ томонидан, Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 24 майдаги 112-01011/2311 (27.1)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 210-уйда жойлашган, умумий қурилиш майдони 393,75 кв.м. бўлган 0006-литердаги ёрдамчи бино такоран қўйилмоқда.

2. Аукцион савдосига Янгйер шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 8 апрелдаги 12-1003/2418 (27.1)-сонли суд бўйруғи, 2010 йил 28 августдаги 12-1003/8098 (27.1)-сонли суд бўйруғи, 2010 йил 17 сентябрдаги 12-1003/9185 (27.1)-сонли суд бўйруғи, 2010 йил 7 октябрдаги 12-1003/1024 (27.1)-сонли суд бўйруғи, 2010 йил 3 декабрдаги 12-1003/15210 (27.1)-сонли суд бўйруғи, 2010 йил 24 декабрдаги 12-1003/17363 (27.1)-сонли суд бўйруғи, 2011 йил 29 апрелдаги 12-1003/3079 (27.1)-сонли суд бўйруғи ва 2011 йил 13 январдаги 12-1003/63 (27.1)-сонли суд бўйруғига асосан хатланган, Янгйер шаҳри, Шароф Рашидов номи маҳалла, Яшил хиёбон худудидa жойлашган, қурилиш майдони 416 кв.м., фойдали майдони 1029,42 кв.м. бўлган 0001-литердаги масмурий бино, 0002-литердаги ошборхона, 0003-литердаги ёрдамчи бино, 0004-литердаги бостирма, 0005-литердаги асфальт майдонидан иборат бино-ишоотлар такоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 147 963 868 сўм.

Аукцион савдосига Янгйер шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 8 апрелдаги 12-1003/2418 (27.1)-сонли суд бўйруғи, 2010 йил 28 августдаги 12-1003/8098 (27.1)-сонли суд бўйруғи, 2010 йил 17 сентябрдаги 12-1003/9185 (27.1)-сонли суд бўйруғи, 2010 йил 7 октябрдаги 12-1003/1024 (27.1)-сонли суд бўйруғи, 2010 йил 3 декабрдаги 12-1003/15210 (27.1)-сонли суд бўйруғи, 2010 йил 24 декабрдаги 12-1003/17363 (27.1)-сонли суд бўйруғи, 2011 йил 29 апрелдаги 12-1003/3079 (27.1)-сонли суд бўйруғи ва 2011 йил 13 январдаги 12-1003/63 (27.1)-сонли суд бўйруғига асосан хатланган, Янгйер шаҳри, Шароф Рашидов номи маҳалла, Яшил хиёбон худудидa жойлашган, қурилиш майдони 416 кв.м., фойдали майдони 1029,42 кв.м. бўлган 0001-литердаги масмурий бино, 0002-литердаги ошборхона, 0003-литердаги ёрдамчи бино, 0004-литердаги бостирма, 0005-литердаги асфальт майдонидан иборат бино-ишоотлар такоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 169 519 455,56 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 25 сентябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушиқ вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 21 сентябрь куни соат 18.00. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«REALTOR GARANT BUSINESS» MЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 12 июлдаги 1-246-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ҳазалкент шаҳри, Бўстон кўчасида жойлашган дўкон.

2. Зангиота тумани СИБ томонидан 2012 йил 13 февралдаги 1673-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Гулистон» ҚФЙ, Саноат кўчасида жойлашган 134-уй.

3. Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 12 июлдаги 1-240/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Май» ҚФЙ худудидa жойлашган бино ва ишоотлар.

Аукцион савдоси 2012 йил 8 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулклар 2012 йил 8 октябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такорорий савдо 2012 йил 23 октябрь куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушиқ вақти — 13.00 дан 14.00 гача ).

Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотечка-банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

«UNIVERSAL AUCTION INVEST» MЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

Очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2012 йил 24 сентябрь куни соат 14.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ЖИБ судининг ижро хатига асосан, Амударё тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган «Тико» русумли, давлат рақами 22 М 77 86, бошланғич баҳоси 7 695 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Мазкур автотранспорт воситаси ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, такорорий савдо 2012 йилнинг 9 октябрь куни соат 14.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланғичдан 1 (бир) кун олдин соат 14.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Нукус шаҳар, Амир Тему

кўчаси, 112 «А»-уй, 412-хонада ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auction Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Филиалининг ОАТБ «Хамкорбанк» Нукус филиалидаги ҳисоб рақами 20208000904932168010, МФО: 01068, СТИР: 302083379 га тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Нукус шаҳар, Амир Темуր кўчаси, 112 «А»-уй, 412-хона. Телефон: (8-361) 222-11-73.

Advertisement for Hyundai Sonata featuring the car image, the text 'NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.', and contact information for DONGNAM UZ MOTORS: Tel.: (+99871) 250-11-11. Fax: (+99871) 250-55-99. www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

